# Ўзбекистон туманидаги мактабларда қурилиш-таъмирлаш ишлари қизғин тус олган

Ўзбекистон туманидаги умумтаълим мактабларида янги ўқув йилига тайёргарлик юзасидан ободонлаштириш ва қурилиш-таъмирлаш ишлари айни авжида.

Шу кунларда тумандаги мавжуд 70 та умумтаълим мактабларидан 50 га яқинида таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Ўрганиш маълумотлари асосида зарурати билан қолган ўқув муассасаларида ҳам ободонлаштириш ва жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган.










Маҳаллий бюджет ва ҳомийлик маблағлари эвазига қурилиш ташкилотлари

томонидан ўқув муассасалари биноларининг ўқув хоналари, том қисмлари, спорт зал, фаоллар заллари, ҳожатхона ҳамда бошқа бинолари, шунингдек, ички ва ташқи фасадлари янгича тус олмоқда.

**Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати**

2021-07-14 12:06:25